



## “ЛАЗГИ” ХАЛҚАРО РАҚС ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли фестивал қатнашчилари!

Қадрли меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Муҳтарам санъат шайдолари!  
Аввало, сиз, азизларни кўҳна Хоразм заминидан биринчи бор ташкил этилаётган йирик санъат ва нафосат байрами — “Лазги” халқаро рақс фестивалининг очилиши билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзининг юксак эҳтиромини изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган эришчиларнинг муҳтарам хонимлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам самимий миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Маълумки, ҳар бир халқ ўзининг кўп асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаятган маданий мероси билан ҳақли равишда фахрланади. Шу маънода, улкан маънавий хазинамиз ҳисобланадиган бой ва ранг-баранг ўзбек рақс санъати халқимизга хос нафосат ва гўзаллик, эзгу орзу-интилишлар ёрқин мужассам топлани билан катта аҳамиятга эгадир.

Миллий рақс санъатимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллайдиган, таъбир жон бўлса, унинг гултожи бўлган “Лазги” рақси ўзининг чуқур ҳаётий фалсафаси, бетакор ижро усули ва жозибаси билан нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кенг шухрат қозонган.

Маълумотларга кўра, халқимизнинг бадиий даҳоси билан яратилган ушбу санъат мўъжизаси уч минг йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган. Унинг пайдо бўлиши ҳақида турли афсона ва ривоятлар мавжудлиги ҳам шундан далолат беради.

Неча юз йиллар давомида халқимизнинг эстетик тафаккур олами, анъана ва қадриятлари билан ҳамоҳанг тарзда “Лазги” рақсининг бир неча йўналиш ва турлари вуқудга келиб, у мукаммал санъат асарига, яхлит хореографик мажмуага айланган.

“Лазги” рақси ўзининг бекиёс сеҳри, жозибаси ва таровати билан дунё соҳналарини ҳам забт этиб, турли миллат ва элатларни бирлаштирувчи таъсирчан санъат воситаларидан бири сифатида тобора севилиб бўлиб бормоқда. ЮНЕСКО

халқаро ташкилоти томонидан 2019 йил 12 декабрда Хоразм “Лазги” рақси Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани ҳам бунга тасдиқлайди.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатнинг барча соҳалари қатори миллий рақс санъати турларини асраб-авайлаш ҳамда бу йўналишдаги ижодий мактабларга хос бўлган ноёб анъаналарни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда, 2020 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу борада муҳим амалий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, ўз даврида бутун дунёда ўзбек миллий рақс санъатининг рамзи сифатида ном қозонган Мухаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” рақс ансамблининг қайта ташкил этилиши маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда миллий рақс санъати, хусусан, “Лазги” рақсининг жаҳон маданиятида тугган ўрнини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, унинг маҳоратли раққосларини тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу мақсадда, юртимизда Хореография академияси тузилиб, ушбу ноёб санъат масканининг фаолияти мутлақо янгича асосда ташкил этилди.

Шу билан бирга, рақс санъати йўналишида узлуксиз таълим тизими жорий қилиниб, барча мактабгача таълим ташкилотларида хореография санъатидан дарс бериш йўлга қўйилмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида рақс синфларининг сони кўпайтирилгани, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилгани ҳам бу соҳада янги истеъодларни кашф этиш ва тарбиялашда пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда кўп йиллардан бўён самарали фаолият кўрсатиб келаётган машҳур “Лазги” ашула ва рақс ансамблини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва санъаткорларга зарур шароитлар яратиш бериш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Айниқса, ўтган йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида германиялик санъаткорлар билан ижодий ҳамкорликда саҳналаштирилган балет-спектакль орқали “Лазги” рақсининг қадимий тарихи ва жозибаси гўзал бадиий талқинда очиб берилди. Мазкур асар нафақат мамлакатимиз томошабинлари, балки чет эллик санъат ихлосмандлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Жорий йилдан бошлаб Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба “Лазги” халқаро рақс фестивалининг ўтказилиши ушбу ноёб санъат турини асраб-авайлаш ва ҳар томонлама тарғиб қилиш, шу асосда халқаро маданий алоқаларимизни янада кенгайтириш борасида катта имконият яратиши шубҳасиз.

Бугун тантанали равишда очилаётган ушбу фестивалга 30 та давлатдан 175 нафардан зиёд рақс санъати усталари, профессионал рақс жамоалари, санъатшунос олимлар, маданият соҳасининг таниқли намоёндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюргани ҳам юртимизга ва санъатимизга бўлган қизиқиш қай даражада юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Миллий рақс санъатимизнинг тарихини, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Фестиваль доирасида ташкил этилаётган “Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни” халқаро илмий-амалий конференцияси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, конференция ишига муваффақиятлар тилайман.

Қадрли фестивал қатнашчилари! Бугун қадимий ва улугвор Хива шаҳрида сизларнинг иштирокида эзгу орзу ва ниятлар билан бошланаётган “Лазги” халқаро рақс фестивали келгусида дунёдаги нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин олади, деб ишонаман.

Ана шу йўлда барчангизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, ижодий парвозлар, янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 апрель куни туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Дунёда пандемия пайтида ўрнатилган чекловлар бирин-кетин камаяётгани туфайли туризм индустрияси тиклана бошлапти. Жорий йил биринчи чорада юртимизга хориждан 610 минг нафар ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баравардан зиёд туристлар келган. Кейинги ойларда янада кўп туристлар келиши кутилмоқда.

Йиғилишда туризм инфратузилмасининг бунга тайёрлик даражаси таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Қорақалпоғистон, Андижон ва Қашқадарёда меҳмонхона ўринлари етишмайди. Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида катта имкониятлардан фойдаланилмаяпти. Ёшларга мос туристик хизматлар жуда кам. “Оилавий” ва “барчаси ичида” хизматларни жорий қилиш ишлари суи.

Худудлардаги 206 та термал ва минерал сувли булоқларнинг 18 тасидан фойдаланилмоқда, холос. Мисол учун, Қамчиқ довоида жойлашган Арашан кўллари сувининг ҳарорати қишин-ёзин 36 градус иссиқликда бўлиб, хорижий курортлардан қолишмайди. Ёки Чимбой, Қораўзак ва Тахтақўпирда ер остидан 40-70 градус иссиқликда чиқадиغان термал бу-

лоқлар атрофида санатория-курортлар ташкил қилиш мумкин.

Сайёҳларни жалб қилишда юртимиздаги 122 та музей салоҳиятидан ҳам фойдаланилмаяпти. Уларда 2 миллион 500 мингдан ортиқ ашёлар бўлиб, шундан 112 мингтаси жаҳон тарихи ва маданияти учун ҳам ноёб ҳисобланади.

Йиғилишда шу каби имкониятларни ишга солиб, туризм соҳасида пандемиягача бўлган кўрсаткичларни тиклаш, хизматлар кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Аввало, ҳар бир вилоятда туристларни ўзига оҳанрабодай жалб қилгани йирик лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Масалан, Намангандаги “Афсоналар водийси”, Бўстонликдаги “Амирсой” мажмуаларига кунга минглаб хорижий ва маҳаллий туристлар боради. Хорижий инвесторлар иштирокида Хонободда яна бир шундай лойиҳа бошланган.

Президент юртимизда бундай жойлар кўплигини таъкидлаб, қатор имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Хусусан, Бойсунда дунёдаги энг чуқур горлардан бири ҳисобланган Бойбулоқ, неандертал одам қолдиги топилиган Тешиктош горлари, қадимий элли маданияти ёдгорлиги бўлмиш

Узундара қальаси бор. Туманинг табиати, иқлими ҳам зўр. У ерда меҳмонхона, кемпинг, “дор йўли”, туристлар уйлари ташкил этиш орқали 500 минг сайёҳни жалб қилса бўлади.

Бундай имкониятлар Бўстонликдаги Товоқсой, Оҳангарондаги Овжасой, Ангрндаги Янгибод, Шаҳрисабздаги Мираки, Янгиқўрғондаги Нанай, Полдаги Чодак қишлоқларида ҳам бор.

Шунингдек, Нукусдаги Ашшиқўл, Бухородаги Зикриқўл, Жиззахда Айдарқўл ва Тузкон кўлида худди Чорвоқдагидек чўмилиш зоналари ташкил этиш мумкинлиги таъкидланди.

“Ўзбекистон туризм магистрალი” бўйлаб, 31 та туман ва шаҳар худудидан ўтувчи йўллар бўйида автотурагоҳ, кемпинг, автосервис, овқатланиш, ёқилги қуйиш каби хизматларни қамраб олган “Карвонсарой”лар барпо этиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳрида хорижий туристлар учун камида 3 кунга мўлжалланган “1 минг долларлик хизматлар тўплами” шакллантирилди. Бу дастур йил давомида ишлайдиган аквапарк ва мавзули парклар, гастронимик ва савдо кўчалари, жонли ижро концертлари, шоу ва фестивалларни ўз ичига олади.

▶ Давоми 2-бетда

### МУНОСАБАТ

## СОҒЛОМ МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИ УЧУН МАСЪУЛЛИК ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРАДИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш, жаҳон талаблари даражасига кўтариш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Хусусан, шу йил 18 мартда Президентимизнинг тиббийёт ходимлари билан учрашуви Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг кейинги боғлиқдаги ривожланиш стратегиясини

белгилаб берди. “Тиббийётдаги ислохотлар — инсон қадрини кўрсатиш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Хусусан, шу йил 18 мартда Президентимизнинг тиббийёт ходимлари билан учрашуви Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг кейинги боғлиқдаги ривожланиш стратегиясини

▶ Давоми 3-бетда

### БУГУННИНГ ГАПИ

Тупроқ — қуёш, ҳаво ва сувдек зарур энг бебаҳо бойлик. Бир томондан, бу физик муҳит, инсонларнинг яшаши, ҳаёт кечириши учун макон вазиқасини ўтаса, иккинчи томондан, иқтисодий ва асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Тенгсиз хазина дея эъзозланувчи ер инсоният ҳамда мавжудот олами зарур озик-овқат маҳсулотлари ва керакли хомашё қувват тўплайди. Шунинг учун уни асраб-авайлаш талаб этилади. Алалхусус, ер — тирик организм. Нафас олади, экин-тикинни, дов-дарахт, гулу чечакни кўкартиришга қувват тўплайди. Аждодларимиз ерни боқсанг, ер элни боқади, деб бежиз айтишмаган.

## ТЕНГСИЗ ХАЗИНА

Ерни қандай боқсанг, янада унумдор бўлади?

“Деҳқонлар луғатида “ориклаган ер”, “семиз ер” сингари иборалар бор. Ерга бир турдаги ўсимликни мунтазам экиш ориқлатади. Айниқса, техника ривожла-

ниб, суғорма ер худуди мислсиз суръатда кенгайганидан сўнг ориқ ер муаммоси пайдо бўлди. Ота-боболаримиз тупроқни маҳаллий ўғитлар билан тўйинтирган бўлса, ҳаддан зиёд ориқ ер бунга-да қаноат қилмай қўйди.

▶ Давоми 4-бетда



▶ Давоми 2-бетда

## ХОРАЗМДА “ЛАЗГИ” ИХЛОСМАНДЛАРИ ЖАМ БЎЛДИ

Мамлакатимизнинг бой рақс санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган “Лазги” рақси ўзига хос ижро услуби ва жозибаси билан нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий элларда ҳам машҳур.



Президентимизнинг 2020 йил 28 сентябрдаги “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба Хива

шаҳрида “Лазги” халқаро рақс фестивали ҳамда унинг доирасида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш белгиланган.

Хоразм вилоятида жорий йилда илк бор ўтказилаётган мазкур

нафосат байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Халқаро фестивалга юртимизнинг тажрибали режиссёрлари, бастакорлар, санъаткорлар, таниқли раққослар, ижодкорлар, малакали мутахассислар жалб этилган.

## ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда ички туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги кўрсаткичи 10 миллион нафарга етказиш вазифаси қўйилган экан, бунинг имкониятлари ҳам белгилаб берилди.

Хусусан, 1 июлдан бошлаб, туризм қишлоқларида меҳмон уйлари, овқатланиш ва савдо шохчалари, кунгилочар жойлар ташкил этган тадбиркорлар уч йил давомида айланмадан олинган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқларини ҳисобланган суммадан бор-йўғи 1 фоизини тўлайди. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида, бундай қишлоқларда меҳмон уйлари ташкил этишга 50 миллион сўмгача, ўтов ва эко-уйлар мажмуасига 300 миллион сўмгача, қодирли лагерлар қуришга 300 миллион сўмгача кредитлар берилди. Ҳар йили туризм қишлоқларининг 200 нафар ёшлари бюджет ҳисобидан Туризм техникумларида бепул ўқитилади.

Ҳокимларга туризм қишлоқларида йўл, электр энергияси, ичимлик суви, алоқа тармоқларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Бунга жорий йилда республика бюджетидан 250 миллиард сўм ажратилади.

Шу билан бирга, хорижий туристларга саёҳатнинг барча босқичларини ташкиллаштиришга кўмаклашувчи сайтлар, мобиль иловалар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Туристларни жалб этиш ва саёҳатларни мазмунли ўтказишда маданий тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутди. Юртимизда 186 хил халқаро ва маҳаллий фестиваллар ташкил этилади. Улар орқали қўшимча 1 миллион хорижий ва 5 миллион нафар ички туристларни жалб қилиш имконияти бор. Мутасаддиларга ушбу тадбирларни юқори савияда ва хавфсиз ташкил этиш, бутун дунёга кенг тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда Наврўз байрами муносабати билан қўшимча дам олиш кунлари белгилангани, 250 та меҳмонхона ва музейларда чегирма берилгани, зиёрат объектлари бепул қилинган ички туризм учун катта туртки берди. Бунинг натижасида Бухоро ва Самарқандга қўшимча 110 минг маҳаллий туристлар борган. Келгуси ҳафтада Рамазон ҳайити муносабати билан ҳам халқимизга яна 5 кунлик дам олиш берилди.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни фақат байрамлар арафасида эмас, балки йил давомида тизимли равишда ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда, бу йилдан бошлаб барча давлат ташкилотлари ходимлари учун йилига бир марта маҳаллий саёҳатга чиқиш харажатларининг 20 фоизини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаш амалиёти йўлга қўйилиши белгиланди.

Бундан ташқари, 1 сентябрдан бошлаб, юртимиз бўйлаб саёҳат қилаётган фуқароларга авиа, темир йўл ва автобус чипталари нархининг 15 фоизи, меҳмонхона харажатининг 20 фоизи, музей ва бошқа маданият объектларига чипта нархининг 50 фоизини қайтариш тизими жорий этилади.

Музейлар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳам туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, республика бўйича барча музейлар экспонатларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг ҳисобидан базисини яратиш, музейлар раҳбар ва ходимларининг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Музейларнинг кўргазма майдонлари камлиги сабабли атиги 1 фоиз экспонат намойишга қўйилган. Қолаверса, аҳолининг узоқдаги музейларга бориш имконияти йўқ. Шунинг учун, "Саёҳатни халққа яқинлаштириш" дастури доирасида худудларда музейларнинг кўчма кўргазмаларини ташкил қилиш кераклиги айтилди. Юртимиздаги 4 минг 500 дан ортиқ археология ёдгорлигини очиб осмон остидаги музейларга айлантириш вазифаси қўйилди.

Сайёҳатларни ташкил этишдаги энг муҳим воситалардан бири транспортдир. Ҳозирги кунда транспорт харажатларининг юқорилиги хорижий туристларни жалб қилишда асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда "лоукостер"лар кўп эмас. Замонавий "Афросиёб" поездида чипта олиш учун бир неча ҳафта олдин мурожаат қилиш зарур.

Шу боис, Транспорт вазирлигига туризм соҳасида транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Сайёҳатларнинг авиақатновларга бўлган талабини қондириш мақсадида 1 июлдан бошлаб, "Зиёрат туризми" дастури доирасида хорижий авиакомпанияларга кўрсатиладиган хизматларга 50 фоизгача чегирмалар жорий қилинади. 1 октябрга қадар маҳаллий авиақатновларга мўлжалланган янги "Silk avia" компанияси ташкил этилади. Харажатларни камайтириш мақсадида 9 та самолёт тўлиқ эконом-классга ўтказилади.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ва тадбиркорлар сўзга чиқиб, режа ва тақлифларини билдирди.

ЎЗА

## ХОРАЗМДА "ЛАЗГИ" ИХЛОСМАНДЛАРИ ЖАМ БЎЛДИ

Бошланиши 1-бетда

— Россиянинг Олтой ўлкасидан мазкур нуфузли анжуманга келдик, — дейди Россия Федерациясида хизмат кўрсатган артист Ирина Минаева. — "Хоразм лазгиси" жуда қадимий рақслардан деб эшитганман. Ушбу рақс ижросини интернет орқали кўрдим. Жуда жозибали ва гўзал пластикага эга. Унинг тарихи билан жуда қизиқман. Фестиваль доирасида "Лазги" рақсини ўрганаман ва гўзал Хива шаҳрини ҳам зиёрат қиламан.

26 апрель кун мазкур халқаро рақс фестивали ўз иштини бошлади ва 30 апрель санасига қадар давом этади.

Тадбирлар доирасида "Ичан-қалъа" мажмуаси худудидида рақс санъатига оид кўргазмалар, миллий либослар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналаридан иборат ранг-баранг кўргазмалар ташкил этилади. Шунингдек, китоблар савдоси, ярмаркаси ҳам ўтказилади. Фестиваль кунлари "Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам ўтказилиб, унда қатор хорижий мамлакатлардан рақс санъати усталари, муסיқашунос ва санъатшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар, фахрий меҳмонлар иштирок этади.

Хива шаҳридаги "Фаровон" меҳмонхонаси-



да "Лазги" халқаро рақс фестивалига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Таъкидландики, фестивалда дунёнинг 30 та давлатдан 175 нафардан зиёд рақс санъати усталари, профессионал рақс жамоалари, санъатшунос олимлар, маданият соҳасининг таниқли намояндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрган.

Фестиваль доирасида ўтказиладиган танловда 18 давлатдан 160 иштирокчи қатнашади.

Танловни олти турли давлатдан 6 нафар тажрибали, профессионал ҳакам баҳолаб боради.

Айни дамида илмий-амалий конференцияда иштирок этиш учун 11 давлатдан 13 нафар санъатшунос олим Хива шаҳрига етиб келган.

"Лазги" халқаро рақс фестивалининг очилиш маросимига бағишланган тантана "Ичан-қалъа"нинг кўҳна Арк майдонида бўлиб ўтди.

Унда фестиваль қатнашчиларидан ташқари, давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, хорижий сайёҳлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этади.

Тарихий майдон узра турли давлатлар байроқлари ҳилпиради.

Хоразмда илк ўтказиладиган "Лазги" халқаро рақс фестивали иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг табриги ўқиб эшиттирилди.

Сўнгра очилиш маросимининг бадиий қисми бошланди. Унда турли миллат ва халқларнинг ўзига хос куй ва қўшиқлари янгради. Жозибдор рақслари ижро қилинди. Концерт дастури сўнггида таниқли хонанда ва рақослар томонидан ижро этилган "Лазги" қўшиғи йиғилганларни рақсга чорлади.

Мухтарам айтанди, фестивалнинг очилиш маросими чин маънодаги ўриб ва санъат байрамига айланди.

Аҳмаджон ШОКИРОВ,  
ЎЗА муҳбири



## ЯШИЛ МАКОН

# АВЛОДЛАРИМИЗ БИЗДАН МИННАТДОР БЎЛСИН!



Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарактлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармониغا мувофиқ, мамлакатимизда яшил боғлар ва яшил жамоат парклари барпо этилмоқда. Табиий мувозанатни яхшилашга қаратилган бундай хайрли ишлар "Яшил макон", "Яшил йиллик" каби умуммиллий экологик лойиҳаларга ҳамоҳангдир.

фарзандлик бурчини бажаради, иккитасини фарзандларига гўё рамзий қарз сифатида беради.

Бу ўғитни келтиришимиздан мақсад шуки, бизга ота-боболаримиздан ана шундай улкан табиий ва маънавий мерос қолган. Биринчиси, асрлар оша янаб турган табиат обидалари, боғ-роғлар бўлса, иккинчиси, табиатни асраш, табиий бойликларни муҳофазалаш борасидаги миллий қадриятларимиздир. Биз бугун ота-боболаримиз экан дарактлар соя-салқинида роҳатланиб, мевасидан баҳра оламиз.

Кўчат экиб, боғ яратиш қадрияти инсонлар орасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаб, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, яратувчилик муҳитини таъминлаб келмоқда. Шу боис, бу урф-одатларни фарзандларимиз, набираларимиз онгига сингдиришга интиламиз. Зеро, биз бугун аждодларимиздан миннатдоримиз бўлаётганимиз каби авлодларимиз ҳам биздан миннатдор бўлсин.

Шу маънода, "Яшил макон" ва "Яшил йиллик" умуммиллий тадбирлари ана шундай эзгу мақсад йўлида халқимизни жинслаштираётгани кувонарлидир. Бу тадбирда юртимиздаги барча миллат ва эллик вакиллари баҳамжиҳат иштирок этмоқда. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида юртимиздаги 16 конфессия вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда "Яшил йиллик"да фаол бўлишга ундовчи баёнот қабул қилинган эди.

Бунинг амалий ифодаси ўлароқ, барча диний конфессиялар вакиллари "Янги Ўзбекистон" боғига кўчат ўтказиб, бу ерда "Бағрикенглик боғи"га асос солди. Бунда жуда катта рамзий маъно бор, албатта. Ватанимиз бир, тақдиримиз муштарак бўлганидан кейин хайрли ишларда ҳам шундай бирдамлик ва муштараклигини намойиш этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу ерга келган кишида миллий ва диний мансублик эмас, ягона Ватан равнақи йўлидаги умумий сadoқат ва жонбозлик хислари кўпроқ жўш уради.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази жамоаси ҳам бу эзгу жараёнда фаол иштирок этиб, Самарқанд вилоятидаги акцияларда фаоллик кўрсатмоқда.

Ерга кўчат қадар эканмиз, ўзгача бир мамнуният ва сурур туйдиқ. Ватанимиз яхши ташвишлари бизнинг ҳам яхши ташвишларимиз эканини бир-биримизнинг бахтиёр қиёфамизда кўрдик. Бутун юрт бўйлаб қилаётган кўчатлар роҳатбахш ва баракали дарактларга айлансин, деб ният қилдик. Кўпчиликнинг дуоси ижобат бўлади, иншааллоҳ.



Шовосил ЗИЁДОВ,  
Имом Бухорий халқаро  
илмий-тадқиқот маркази  
директори

Бу йўналишдаги чора-тадбирлар жараёнида яшил майдонларни, боғ-роғларни кенгайтириш баробарида кўчатхоналарни қўлайитириш, тўпроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, худудлар иқлимга мос янги ўсимлик навларини маҳаллийлаштириш ҳам кўзда тутилган.

Шу билан бирга, дарактларга ишқат етказиш ва ноҳуд қилганлик учун жавобгарликни қўлайитириш мақсадида қонунчиликда янги механизмлар жорий этилмоқда. Бундай ҳуқуқбузарлик тўғрисида Ички ишлар вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг махсус ахборот тизимида хабар берган шахслар моддий рағбатлантирилади. Бу бежиз эмас. Зеро, битта дарактнинг вояга етказиш учун йиллаб меҳнат қилиш талаб этилади. Уни бир дақиқада ноҳуд қилиш эса нафақат табиий мувозанатга, инсоният келажагига ҳам таҳдид туғдиради.

Шу боис, мамлакатимизда экологик барқарорликни сақлаш, дарактлар кесилишининг олдини олишга эътибор тобора кучаймоқда. Бугун бирор жойда даракт кесилгудек бўлса, оммавий ахборот воситалари дарҳол бонг урмоқда.

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Бугун Оролбўйида янгича шуқуқ кезмоқда. Бу, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилатган ҳаётбахш ташаббуслар маҳсулидир. Жумладан, Президентимизнинг "2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ҳамда "2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, Оролбўйи минтақасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

# ТАХИАТОШДА СУРХОНДАРЁ ТАЖРИБАСИ ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Эътироф этиш керакики, бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мураккаб экологик муаммолар таъсирида глобал инқирозга юз тутган Орол дензиси ва унга яқин худудда яшовчи одамлар ҳаётини фаровонлаштиришга бутун ўзбекистонликлар бел боғлади. Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманлари ҳамда узоқ ва яқин овуллари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, худудлар инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш ишлари изчил амалга ошириляпти. Бу борадаги эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда турли вилоятлар томонидан кўрсатилаётган беғараз ёрдам муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, Тахياتош туманига Сурхондарё вилояти бириктирилган бўлиб, 2022-2023 йилларда вилоят тадбиркорлари кўмаги билан саноят, қишлоқ ҳужалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қиймати 239,6 миллиард сўмлик 19 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Пировадарида, 4 мингга яқин иш ўрни яратилади.

— Ҳозирда Тахياتош туманида Сурхон воҳаси тадбиркорлари, банк раҳбарлари ва мутасаддиларидан иборат вилоят штаби тuzилган. Улар маҳаллий мутасаддилар билан бирга тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича баҳамжиҳат фаолият кўришмоқда. Бу борада қилинаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов бошчилигидаги делегация Қорақалпоғистонга ташриф буюрди. — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Наргиза Раҳматуллаева. — Вилояти-мизнинг энг илгор тадбиркорлари ва фермер ҳўжаликлари ўз лойиҳаларини Тахياتош туманида амалга ошириш, пировадарида, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга бел боғламоқда. Бу ерда ташкил этилган штабда амалга ошириладиган ишлар ва йўлга қўйиладиган янги лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Рост, бундай амалий тадбирлар бизни тахياتошликлар билан қалбан яқин-

лашишга, ўзаро самимий дўстлик-биродарлик ришталарини мустаҳкам боғлашга катта туртки берапти. Утказилган маънавий-маърифий тадбирлар, янгидан-янги лойиҳалар ижроси, айниқса, ҳамжиҳатликдаги саъй-харақатлар тахياتошликлар ҳаётида сурхондарёликлар салмоқли из қолдираётганидан далолатдир.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда улзуксиз таълимнинг барча бўғинлари, шу жумладан, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, айниқса, жамиятда катобхонлик маданиятини ривожлантириш, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик билим ҳамда дунёқарашини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунга биноан Тахياتош туманидаги 1 ва 4-умумтаълим мактаблари ҳамда 11-давлат мактабгача таълим ташкилотидида сурхондарёлик ва Қорақалпоғистонлик ўқувчи-ёшлар ўртасида "Беш ташаббус — беш имкон" шори остида тадбирлар, спорт муسابакалари ва кўрик-танловлар ўтказилди. Тадбир доирасида ўқувчи-ёшларга 3000 дона бадиий китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, Найманқўл овулида юзта бир сотихлик иссиқхона барпо этиляпти. Ҳозирга қадар Тахياتош туманидаги "Кенегес" қаналининг 5,7 километр, "Суенли" қаналининг 1,5 километри тозаланиб, 500 гектар ер майдонининг сўғориш тизими яхшиланди. Бундан ташқари, худудда пиллачилик ва боғдорчи-

ликни ривожлантириш учун 7 минг туп тут, 10 минг туп мевали ва манзарали кўчат экилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти вакиллари тахياتошлик нурунлар ва фаоллар ҳамроҳлигида Обод макон маҳалласида барпо этиладиган "Ёшлар боғи" лойиҳасини кўздан кечириб, "Яшил йиллик" умуммиллий лойиҳаси доирасида мевали ва манзарали даракт кўчатлари экилди.

— "Аёллар дафтери" платформасига киритилган хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, улар бандлигини таъминлашга яқиндан кўмаклашиш мақсадида Обод макон ва Дўстлик маҳаллаларида жойлашган мономарказлар фаолияти билан яқиндан танишидик, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зулхумор Хидирова. — Аёл бахти — эл-юртинг бахти. Аёл қачон ўз ҳаётидан рози бўлади? Уйда тинчлик, рўғорида файзу барақа, фарзандлари юзидида табассум хохир бўлсагина аёл том маънода ўзини бахтли ҳис қилади. Айни мана шу ҳақиқатга таянган ҳолда, худуд аёлларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, даромад олиш манбаларини яратишга интиляпти. "Остона қилем" масъулияти қилганган жамиятининг кооперация асосида жундан йл йиғирув ва гилам тўқиш фаолиятини ташкил этиш лойиҳаси доирасида хотин-қизлар гилам тўқишга ўргатилмоқда. Шунингдек, бу ерга келиб 20 та хонадонга инкубатор, 50 та хонадонга тивув машиналари ҳамда даст-поқлар етказиб берилди. Тахياتошда ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш бўйича Сурхондарё тахрибасини жорий этиш бўйича галдаги вазифаларни белгилаб олдик.

Бугун Орол бўйида, хусусан, Тахياتошда бутун халқимиз билан ҳамжиҳатликда амалга ошириладиган ишлар, рўй бераётган ўзгаришлар барчани кувонтиради. Буларнинг бари халқимизнинг фаровонлик йўлида биргаллашиб интиладиганининг натижаси сифатида намоев бўлади.

Азимбек САМАДОВ,  
"Янги Ўзбекистон муҳбири

МУНОСАБАТ

# СОҒЛОМ МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИ УЧУН МАСЪУЛЛИК

## тиббий ходимларини инсон қадрини улуғлаш йўлида бирлаштиради



**Элмира БОСИТХОНОВА,**  
соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари

мушак атрофияси диагнозига эга бўлган оилаларнинг электрон Ягона миллий регистри юритилади.

2022 йил 1 майдан бошлаб спинал мушак атрофияси касаллиги бўлган бемор болалар реабилитацияси учун У.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонасида 10 та стационар ўрин ташкил этилмоқда. Худудлардаги болалар кўп тармоқли тиббийет марказларида мултидисциплинар (невролог, педиатр, реаниматолог, пульмонолог, ортопед, хирург) текширув ҳамда даволаш (оператив контрактуралар ва суяк деформацияларини тўғрилаш) жараёни йўлга қўйилади.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан 2022 йил 1 июндан бошлаб уй шароитида даволанаётган бемор болаларга зарур бўлган техник (15 турдаги) воситалар бепул ижарага берилди.

Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни даволаш учун ҳамда хайрия ва хомийлик маблағларини жалб қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниши маблағ масаласида қийналаётган хасталарнинг яқинлари учун чинакам кўмак бўлди. Қилинаётган барча ишлар замирида халқ саломатлиги ва соғлом миллат генофондини сақлаш, аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш мақсади муҳасам.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги туб ислохотлар доирасида, айниқса, оналар, гўдаклар ўлими, ногиронлиқни имкон қадар камайтириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Тиббийетдаги ислохотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги очик мулоқотда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кун кеча давлатимиз раҳбарининг яна бир муҳим қарори эълон қилинди.

Президентимизнинг “2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги қароридан 2022-2026 йилларда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

**“ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН 2022 ЙИЛ 1 ИЮНДАН БОШЛАБ УЙ ШАРОИТИДА ДАВОЛАНАЁТГАН БЕМОР БОЛАЛАРГА ЗАРУР БЎЛГАН ТЕХНИК (15 ТУРДАГИ) ВОСИТАЛАР БЕПУЛ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ.**

олган даврларда 100 фоизгача қўшимча босим билан ишламоқда. Айниқса, мавсумий нафас йўллари касалликлари кўпайган вақтларда тегишли койка-ўринлар етишмаслиги оқибатида бемор болалар санитария талабларига зид равишда ёрдамчи хоналарга жойлаштирилган эди. Бу эса, ўз навбатида, болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатининг пасайишига ҳамда аҳоли эътирозларига сабаб бўлиб келаётган эди.

2022 йил 1 майдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари ва

Республика перинатал маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар перинатал марказлари ва болалар кўп тармоқли тиббийет марказларида жами 29 та шошилинч перинатал ҳамда шошилинч педиатрик мобил навбатчи реанимация бригадалари ташкил этилади.

2020-2021 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги барча туғуруқ комплексларида “Замин” фонди ташаббуси билан чақалоқларда аудиоскрининг тадбирлари ўтказилди. Халқаро стандартларга мос равишда амалга оширилган ушбу лойиҳа ижобий натижа берди. Янги туғилган чақалоқларнинг эшитишдаги нуқсонларни эрта аниқлаш, бу касаллик мавжуд бўлган болаларда даволаш жараёнини эрта бошлаш орқали уларнинг тўлиқ соғайишига эришиш борасида хулосалар қилинди.

Бу тажриба бутун мамлакатимиз бўйлаб татбиқ этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар болалар кўп тармоқли тиббийет марказлари ҳамда худудлардаги барча туғуруқ комплексида янги туғилган чақалоқлардаги эшитиш нуқсонини эрта аниқлашга қаратилган аудиоскрининг тадбирлари ўтказилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижаларини таҳлил қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида электрон кузатув (трекинг) марказлари ташкил этилади.

Оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан болалар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларнинг сифатли тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш учун бу йил 1 июндан бошлаб “тиббийет бригадалари” таркибига қўшимча 3 600, келгуси йил 1 январдан бошлаб 4 900 нафар ўрта тиббийет ходими (педиатрия ҳамшираси ва доя) ўрни — жами 8 500 та штат ажратилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида мутлақо янги тизим яратилади ва раҳбарларнинг масъулияти оширилади. Икки ҳафта мuddатда вазир ўринбосари раҳбарлигида Репродуктив саломатлик, оналик ва болалик масалалари бўйича республика штаби, 14 та худудий штаб фаолияти йўлга қўйилиши назарда тутилмоқда.

Штаблар кўрсатилаётган тиббий хизматни тизимли ўрганиш, камчиликларни бартараф қилиш, белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш билан шуғулланади. Штаб аъзолари худудларга бириктирилади ва уларнинг асосий вазифаси худудни ўрганиш, камчиликларни аниқлаш ва чора-тадбир белгилаш билан чекланмайди. Тизимли таҳлил ва камчиликларни жойида бартараф қилиш, керак бўлса, оилавий шифокорлик пункти тиббийет ходимларига тушунтириш беради ва тизимли назорат билан шуғулланади.

Туғиш ёшидаги аёллар орасида исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш чоралари, эрта ва катта ёшдаги аёллар орасида туғуруқ, интергенитал ораллиққа риоя қилиш, айниқса, фарзанд кўришга мутлақ монелиги бўлган аёлларнинг ҳомиладорлигига йўл қўйиш ҳолатлари қатъий назоратга олинади. Ҳомиладор аёлнинг комплекс кузатувини амалга оширувчи “Она ва бола кластери хонаси” фаолиятини самарали ва тизимли ташкил қилиш мақсадида комплекс кузатувининг ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва аёллар орасида кенг кўламли бирламчи текширишларни ўтказадиган “Онко-назорат” (Сансег-назорат) хоналарининг махсус ахборот бошқаруви тизими мунтазам мониторинг қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш кенгаши оналар ва болалар саломатли-

**“СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ ВА РАҲБАРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ОШИРИЛАДИ. ИККИ ҲАФТА МУДДАТДА ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ РАҲБАРЛИГИДА РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ШТАБИ, 14 ТА ХУДУДИЙ ШТАБ ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА.**

гини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ҳамда чора-тадбирларнинг бажарилишини доимий назорат қилиб боради.

Республика гематология ҳамда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказлари худудда иллик кўчириш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида 2022 йилда янги махсус амалиёт комплекс биносини қуриш ва жиҳозлаш учун Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасидан зарур маблағ ажратилади.

Бу йил 1 майдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган бемор болаларга қаровчи шахслар (ота-она ва бошқалар) учун овқатланиш бепул қилинади. Бу ҳам бемор фарзандини давлатоман, деб итисодиий танг аҳволга тушган юртдошларимиз учун ўзига хос кўмак бўлади.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия маркази ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги филиаллари, шунингдек, худудий болалар кўп тармоқли тиббийет марказларининг маспахат-таъхислаш поликлиникалари тиббий техника билан қўшимча жиҳозланади. Шунингдек, 46 та туманларро перинатал марказнинг инфратузилмаси яхшиланади. Уларнинг электр, сув таъминоти, канализация ва иситиш тизимини яхшилаш учун 16,7 миллиард сўм ажратилади.

Аҳоли саломатлигига эътибор деганда кўз олдимизга, аввало, оналар ва гўдаклар келади. Табиатан улар ҳимоя ва кўмакка муҳтож бўлади. Шу боис, энди оналар ва гўдаклар ўлими фавқулодда ҳолат сифатида баҳоланади. Содир бўлган ҳар бир ҳолат ҳақидаги маълумот бир сутка давомида Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилиши ва масъул акушер-гинеколог профессорнинг уч кун ичида тезкор ахбороти ва бир ҳафтада тўлиқ таҳлили тақдим қилиниши шарт.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган 227 та туғуруқ муассасаси тиббий жиҳоз ҳамда замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан етарли даражада таъминланмагани, мавжудлари маънан эскирган сабабли охириги 10 йилда оналар ва гўдаклар ўлимининг интенсив кўрсаткичи деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Бундан ташқари, таҳлилларга қўра, ҳозир 47 та туғуруқ комплекси ҳамда уларнинг чекка қишлоқлардаги 9 та филиали, 39 та болалар тиббийет муассасаси таъмирталаб ҳолатда.

Шунингдек, йилига 72 900 нафар ҳомиладорлик асорати билан ва 84 700 нафар экстрагенитал касаллиги бор аёлга ёрдам кўрсатилиши режалаштирилган 46 та туманларро перинатал марказни халқаро талабларга жавоб берадиган биноларга жойлаштириш зарур.

Қарорга биноан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2022-2025 йилларда 227 та туғуруқ комплекси ва 46 та туманларро перинатал марказни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг 105 миллион долларлик грант ва кредит маблағларини жалб қилади. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланмоқда.

Бугун мамлакатимиз тиббийетини ривожлантириш, хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида илгари кузатилмаган саъй-ҳаракатларга гувоҳ бўляпмиз. Бунинг учун маблағ ҳам, куч ҳам, умуман, зарур бўлган барча восита ва саъй-ҳаракатлар ишга солинмоқда. Юртимиз вақти келиб, аҳолисининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи юқори, оналар ва болалар ўлими сони паст давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгалласа, мана шу натижаларга бугунги ислохотлар пойдевор бўлганини фахр ва миннатдорлик билан эслаймиш...

Бошланғич 1-бетда

Мулоқотда еттита йўналиш бўйича келгуси беш йилликка мўлжалланган муҳим топшириқлар берилди. Ана шу ислохотларнинг давоми ўлароқ, кун кеча давлатимиз раҳбарининг “Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Спинал мушак атрофияси (СМА) — онанинг ҳомиладорлик вақтида болада вужудга келувчи энг кўп учрайдиган ирсий касаллик бўлиб, ўз вақтида (6 ой ичида) муолажа ўтказилмаса, 2 ёшгача болаларда касаллик оқибати 50 фоиз ҳолатда ўлим билан яқунланади.

Халқаро статистик маълумотларга қўра, мазкур касаллик янги туғилган ҳар 6-10 минг чақалоқда бир ҳолатда учраб, уларнинг 50 фоизи 2 ёшга етмай нафас етишмовчилиги сабаб вафот этади.

Юртимизда 77 нафар болада ушбу касаллик таҳлили намуналари тасдиқланган. Уларнинг 24 фоизи қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатида, 40 фоизи икки ва ундан кўп спинал мушак атрофияси билан туғилган болали оилаларда ва 36 фоизи ота ҳам, она ҳам ушбу ген ташувчиси бўлган оилаларда туғилган.

Бугун СМА билан касалланган беморларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор долзарб масалалар ўз ечимини кутмоқда. Масалан, шу пайтгача юртимизда СМА билан касалланган беморлар учун (маблағ белгиланмагани тўғрисида) диагностика ва даволаш стандартлари, клиник протоколлар ишлаб чиқилмаган, бу хасталик бўйича ягона регистр ҳамда оиласида СМА касаллиги билан туғилиши мумкин бўлган шахсларнинг (эр-хотин) хавф гуруҳи (оммавий текширув учун генетик лабораториялар мавжуд эмаслиги сабабли) шакллантирилмаган. Клиник ташхисни тасдиқлаш ва даволаш стратегиясини аниқлашнинг “олтин стандарти” ҳисобланган СМА генини аниқлаш имконини берувчи молекуляр генетик текширув фақатгина хусусий лабораторияларда пуллик асосда ўтказиб келинган.

**“ХАЛҚАРО СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА ҚЎРА, МАЗКУР КАСАЛЛИК ЯНГИ ТУҒИЛГАН ҲАР 6-10 МИНГ ЧАҚАЛОҚДА БИР ҲОЛАТДА УЧРАБ, УЛАРНИНГ 50 ФОИЗИ 2 ЁШГА ЕТМАЙ НАФАС ЕТИШМОВЧИЛИГИ САБАБ ВАФОТ ЭТАДИ.**

Битта таҳлилнинг ўртача қиймати 3,5 миллион сўм. Лабораториялар эса СМА билан касалланган болаларда ген терапиясини ўтказиш учун етарли даражада, деб бўлмайди. Шунингдек, мураккаб генетик текширувлар учун мамлакатимиз худудидан қон намунасини олиб чиқиш мақсадида махсус рухсатнома бериш тартиби мавжуд эмас. СМА билан касалланган беморлар учун зарур дори, реабилитация ва махсус озуқа воситалари давлат бюджети ҳисобидан харид қилинмаслиги ҳамда беморларда фақатгина симптоматик муолажа ўтказилиши сабабли касаллик оғир кечиб, эрта ўлим билан яқунланади.

Президентимизнинг “Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бу каби муаммолар ўз ечимини топмоқда. Жумладан, спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болалар давлат томонидан патогенетик дорилар, ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминланади. Хавф гуруҳидаги ҳомиладор аёллар Она ва бола скрининг марказларида ва Миллий референс лабораторияларида бепул диагностикадан ўтказилиши ҳамда уларни даволаш стратегияси белгиланади. 2022 йил 1 июндан бошлаб никоҳланувчилар ўз ҳисобидан Аҳоли репродуктив саломатлик марказининг филиаллари орқали молекуляр-генетик тестдан ўтади.

Республика Она ва бола скрининг маркази ҳамда унинг худудий бўлимларида спинал

белгиланиб, Нукус шаҳрида “Болалар тиббийет кластери” ташкил этилиши назарда тутилган.

Кластер таркибига Болалар кўп тармоқли тиббийет маркази (биноси 2023 йил якунига қадар фойдаланишга топширилади), Қорақалпоғистон тиббийет институти клиникаси ва Болалар стоматология поликлиникаси киритилади. Перинатал марказларнинг оддий туғуруқ комплексидан фарқи шундаки, чақалоқларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилади. Айниқса, неонатал реанимация хизмати мавжудлиги айрим чақалоқларда кузатиладиган оғир асоратлар, ногиронлик ва эрта ўлим ҳолатини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Туман (шаҳар)ларда болалар поликлиникаси мавжуд эмаслиги сабабли бемор болалар амбулатор тизимни четлаб, тўғридан-тўғри вилоят ҳамда республика шифохоналарига мурожаат қилар эди. Жумладан, Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббийет марказига 2020 йилда 186 710 та мурожаат бўлган бўлса, 2021 йилда 276 464 тани ташкил этган. Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббийет марказига 2020 йилда 68 548 фуқаро мурожаат қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 87 417 тага етган. Шунингдек, Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонасига 2020 йилда 19 084 та мурожаат бўлган, 2021 йилда эса бу рақам 25 344 тани ташкил этган. Худди шундай рақамлар ортганини Тошкент ва Бухоро вилоятларида ҳам кузатиш мумкин.

Шунингдек, мавжуд болалар шифохоналари респиратор ва бошқа оқумли касалликлар авж



Тошкент шаҳар оилавий поликлиникаларида амалдаги штатлар доирасида болалар бўлими ташкил этилади. Бўлим таркибида педиатрия йўналишидаги барча мутахассислар фаолият юритади.

Бугунги кунга қадар болалар анестезиология-реанимация ва интенсив терапия бўлимлари ҳамда бемор болалар учун туну кун шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи навбатчи шифокор постлари ташкил этилмагани тиббийет ходимларининг болаларга кўрсатаётган реанимация ва шошилинч тиббий ёрдам йўналишидаги фаолиятига халал бериб келаётган эди. Қарор билан туман (шаҳар) тиббийет бирышмаларида амалдаги штатлар доирасида болалар анестезиология-реанимация бўлимлари ҳамда туну кун шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи педиатрия постлари ташкил этилиши муаммонинг ечимига хизмат қилади.

Болалар касалликларини ташхислаш жараёнида худудлардаги лаборатор текширувларнинг ҳаққонийлиги ва аниқлиги устидан ташқи сифат назорати ўрнатилмаган, шунингдек, текширувлар халқаро стандартларга мос келмасди. Боз устига болалар ўртасида ногиронликка олиб келувчи касалликлар, шу жумладан, ирсий-генетик орфан касалликларни эрта аниқлашда махсус генетик текширувларни ўтказиш учун етарли шароит мавжуд эмас эди. Энди бу муаммо ҳам барҳам топади. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббийет марказида болаларда ирсий-генетик, шу жумладан, орфан касалликларни эрта ташхислаш бўйича Референс лаборатория ва худудларда унинг 17 та минтақавий лабораторияси ташкил этилади.

Олис худудлардан асоратланган ҳомиладорлар ва чақалоқларни стационарга олиб келиш борасидаги муаммолар жуда кўп йиллардан бери ўз ечимини топмай келаётган эди. Энди

## БУГУННИНГ ГАПИ

## ТЕНГСИЗ ХАЗИНА



**Одилжон ИБРОҚИМОВ,**  
Фаргона политехника  
институтининг профессори,  
қишлоқ хўжалиги фанлари  
доктори

## Бошланғич 1-бетда

Шу аснода ажодлар амалига ислоҳ киритилди — қишлоқ хўжалиги жабҳасига кимё кириб келди. Ҳозир заминдорликни кимё хизмати, синтетик ўғитларнинг тасаввур этиш мушкул.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатлар, хусусан, аҳоли сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турган Хитой мисолида қарайдиган бўлсак, мамлакатда киши жон бошига 0,07 гектар ҳайдалаган, 0,05 гектар сугорилмаган ер тўри келади. Хитойлик деҳқонлар бир миллиард тўрт юз миллиондан зиёроқ аҳолини боқиб баробарида маҳсулотни экспорт қилишда ҳам жаҳонда етакчи ўринда туради.

Яна бир мисол. Ҳиндистоннинг жанубий қисмидаги Кералло штати бор-йўғи 38 миң квадрат километр майдонга эга. Бу ҳудудда 40 миллионга яқин аҳоли ердан унумли фойдаланиб келади.

Ўзбекистонда жон бошига 0,25 гектар ҳайдалаган, 0,15 гектар сугорилмаган экин майдони тўғри келади. Биргина сугорилмаган ерлар ҳисобига Кералло штатидагига нисбатан 2, Хитойдагига қараганда 2,7 баравар кўп маҳсулот олишимиз мумкин. Ундан оқилона фойдаланилса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан бемалол таъминлаб қолмай, балки катта миқдордаги маҳсулотларни экспорт қилиш имкони ҳам пайдо бўлади.

## Самардорликни оширишнинг имконият ва имтиёзлари

Маълумотларга кўра, сўнгги 40 йилда дунёдаги барча экин майдонларининг учдан бир қисми туپроқ эрозияси туфайли ҳосилдорликни йўқотган ва шу сабабли ташлаб кетилган. Ҳар йили яна 20 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ери шу қадар таназзулга учраган. Дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер яроқсиз аҳволга келиб қолган.

Ўзбекистонда ҳам Орол ҳалокати оқибатида кўпбал эколомик муаммолар, жумладан, туپроқ шурланishi, унумдорлиги пасайishi юзига келди. Мамлакатимиз ҳудудининг 31,4 миллион гектар табиий шурланishiга, кум кўчирлари, чангли бўрон ёки гармселлар таъсирига учраган кўроқчил ва ярим кўроқчил майдонларга айланган.

Бундан ташқари, яқин йилларга қадар ер ўз ҳолига ташлаб қўйилган, қаерда қанча бўш майдон борлиги, қандай ҳолда тургани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ эди. Янада аниқроғи, ер билан 30 йил давомида ҳеч ким бево-сита шуғулланмай қўйилди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари, гўшт, сўт, ёғ тақчиллиги сезилиб қолди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ери унумдорлигини ошириш, фойдаланишдан чиққан экин майдонларини қайтадан жонлантириш, лалми ерни ўзлаштиришга жиддий эътибор қаратишмоқда. 2020-2021 йилларда 369 миң гектар ер қайта фойдаланишга киритилди. Сув тежайдиган технологиялар жорий этишни кўлаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидия ажратилиши тўғрисида қўйилди.

Шу билан бирга, янги иссиқхоналар ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари

таннархи барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ижобий натижаларини берапти. Утган йили хориж бозорларига янги истиқболли йўналишлар очилиб, қарийб 1,5 миллион тонна мева-сабзавот 65 та давлатга экспорт қилинди. Экспорт кўрсаткичларида ўтган йилдагига нисбатан дуккаки маҳсулотлар 122 фоиз, узум маҳсулотлари 142 фоиз, сабзавотлар 103 фоиз ҳамда ёнғоқ маҳсулотлари 1,8 баробар ўсди.

Агар соҳанинг муҳим тармоғи — пахтачиликдаги ислохотлар натижасида ўтган мавсумда аввалги йилдагига нисбатан 422 миң тонна кўп пахта хомашёси етиштирилди. Ҳосилдорлик эса ўртача 6,3 центнерга ошди. 7,4 миллион тоннага яқин дон хирмони кўтарилиб, кўпбал фермер хўжалиқларининг ҳосилдорлиги 100 центнерни ташкил этди.

Ўзбекистон шароитида тарихда илк бор қишлоқ хўжалиги ери ялпи хатловдан ўтказилмоқда. Бугунги кунга 23 миллион гектар ернинг электрон хариталари яратилиб, геопортал фаолияти йўлга қўйилди. Бу қишлоқ хўжалиги ерига озиқ-овқат маҳсулотлари жойлаштириш ва ҳавфсизлигини таъминлаш, унинг балансини, қайси қишлоқ хўжалиги экинини қандай ерга, қанча экин экиб, қанча маҳсулот етиштиришни режалаштиришда қўл келяпти. Пировадидда, бу ҳар бир фермер ва деҳқонни туپроқни эъзозлашга, унга меҳр қўзи билан

Натижада бир вақтнинг ўзида туپроққа ҳаво ва сув кириши учун шароит яратилади ва самардорлиги ортади. Буни Олтиариқ, Риштон, Қува, Тошлоқ туманларидаги деҳқончилик тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

Шу ўринда минерал ўғитлар самардорлиги қанчалик тушиб кетаётганига доир мисолларни эслаб ўтсак. Ҳозир деҳқончиликда азотнинг фойдали коэффициентини атиги 30-40 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда, пахта даласига солинаётган азотли ўғитларнинг 60-70 фоизини ғўза истеъмол қилмайди. Ана шу ортиқча азот атроф-муҳитга жиддий хавф туғдиради. Айниқса, ғўза ва ғалла экилган майдонлардан катта миқдордаги нитрат азоти коллектор сувларига қўшилиб, табиатга ҳам зарар келтирмоқда.

Тури туپроқ ва агротехника шароитларида ўтказилган дала тажрибалари натижаларини умумлаштириш асосида экинлар учун азотнинг ўртача мақбул меъёрларини белгилаш мумкин. Гектардан 30-35 центнер пахта ҳосил олиш режалаштирилган майдонларнинг ҳар гектарыга 140-150 килограмм азот ўртача меъёр ҳисобланади.

Фосфорли ўғитларни қўллаш ҳам жиддий эътибор, илмий асосини талаб этади. Кейинги 50 йилда ғўза ва бошқа экинларнинг вегетация даври давомида фосфор ўсимликнинг био-

тида соя, ерёнғоқ, жайдари нўхат каби резаворларни етиштиришди. Улар туپроқда соф ҳолда 100-120 килограмм-га азот қолдиради.

## Масъулиятли бурч, кундалик амал

Тўкин дастурхон, фаровон ҳаётни таъминлашнинг асосий омилларидан яна бири томорқалардаги ерлар унумдорлигини ошириб, бир мавсумда 3-4 мартаба ҳосил етиштиришга эришишди. Бу борада муайян тажриба бор. Олтиариқлик деҳқонлар 10-12 сотих ерга камидан 20 тонна чирган гўнг, 400-500 килограмм суперфосфат солиб, ерни шудгорлайди. Бунинг эъзизига бир мавсумда 4 мартаба бодринг, маккажўхори, туپ, пушта устида сабзи ҳосили олинади. Риштон туманидаги Қайрағоч қишлоғи миришкорлари 10-12 сотих ердан бир мавсумда камидан 4-5 тоннадан бодринг, маккажўхори, туپ, шолғом, уй саҳни ва кўча томондаги ишқомлардан ҳам камидан 3 тонна узум, жами 21 тоннагача озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирмоқда. Қувалиқлар 8-10 сотих ерда олма, нок, беҳи, анор, ўрик, гул, терак қўйини, барча мевали-манзарали қўчатларни етиштиришга катта эътибор қаратяпти. Бир туپ қўчатнинг нархи 6 миң сўмдан кам эмас. Бундан ташқари, анор мевасининг бир туپидан 30-40 килограмм ҳосил олиб, катта даромад кўрмоқда.

Президентимиз раислигида шу йил 15 апрель кўни озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш масаласи муҳокама этилган видеоселектор йиғилишида ҳам аҳоли иштирокидаги 380 миң гектар томорқадан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига тажрибали миришкорлар иштирокида аҳолига бозорлик экинлар етиштиришни ўргатиш ва кўмаклашиш бўйича топ-



логик эҳтиёжга нисбатан 5, ҳатто 6 баравар кўп бериб келинган. Оқибатда туپроқнинг 1 метр қатламиде гектарыга 2000 килограммдан зиёд захиродаги фосфор тўпланиб қолган майдонлар мавжуд. Шундай экан, бу жиҳатларни инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги экин майдонларига солинадиган ўғит самардорлигини янгидан ўрганиш асосида фосфорли ўғитни табақалашган усулда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий мамлакатларда туپроқнинг ҳолати экологик жиҳатдан танглиги, унумдорлиги йўқолиб бораётганини 40-50 йил олдинроқ англаб етишди. Синтетик кимёвий моддаларни туپроқ экологиясига салбий таъсирини ўйла-масдан қўллаш ўта ёмон оқибатларга олиб келишини тушуниб, аҳолини тубдан яхшилаш чоралари кўрилди. Кўпбал мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда синтетик ўғитлар, айниқса, пестицидлардан тўла воз кечилиб, "биологик деҳқончилик" жорий этилди.

Демак, туپроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишга фақат органик моддалар орқали эришиш мумкин. Уни органик моддалар билан тўйинтиришнинг асосий манбаи дала билан кўпроқ алмашлаб экиш, тақрорий экин сифа-

шириқлар берилди. Бу тажрибани 2,5 миңга маҳалла жорий этиш вази-фаси қўйилди. Айни кунда бу борадаги ишлар Фаргона вилоятида ҳам олиб бориляпти ва бунда олим-мухассисларнинг илмий ҳамда амалий тажриба-тадқиқотлари қўл келяпти.

Қолаверса, томорқа хонадонлар дастурхонини тўкин қилиш баробарида қўшимча иш жойларига йўл очади, фарзандларимизни ўз пешона тери билан ҳалол яшашга ўргатади.

Жорий йилда мамлакатимиз бўйича илгари фойдаланишдан чиққан 135 миң гектар ер қайта тикланди. Бу ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун муҳим манба ва қўшимча имконият дегани. Энди уларда озиқ-овқат экинларини жойлаштириш ва қанча маблаг сарфла-ниб унумдорлиги таъминланган ердан самарали фойдаланиш вази-фаси турибди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун республика бюджетидан 170 миллиард сўм ажратилади.

Туپроқ — одамзоднинг муқаддас макони. Барча модда туپроқда унади, камол топади ва яна унга қайтади. У офтобдан зарра, сувдан қатра олиб, ризқ-рузимиз манбага айланади. Шундай экан, уни эъзозлаш ва оқилона фойдаланиш зим-мамиздаги масъулиятли бурч, кундалик вази-фао амалимиз бўлиши зарур.

## ЖАРАЁН



## ҚУТ-БАРАКА МАНБАИ

## Ёҳуд ижтимоий ҳимоянинг янги тизими

## "Фойда олишга кўзим етади"

Жондор туманидаги "Сомончуқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Саломат Холова томорқасига сабзи, картошка, пиёз ва ловия экан.

— Жўжабирдай жонимиз, — дейди онахон. — Утган йили келишим Гўзал Ражабова ишисизлиги боис, "Ёшлар дафтари"га киритилган ва унга деҳқончилик қилиш учун 10 сотих ер ажратилган эди. Бу ерга ошқовоқ, помидор, ловия ва лавлага эдик. Оилада сажиз кишимиз. Шу маҳсулотлар рўзгорга яради. Бозордан сотиб олишимизга ҳожат қолмади. Рўзгордан ортганини қўни-қўшни ва қариндошларга ҳам тарқатдик. Уша ердан олинган ловиянинг бир қисmini уруғликка асраб қўйгандим. Эқдим, униб чиқди. Яна ер олдингизларми, деб сўрайсизми? Йўқ, сабаби шундаки, келишим мактабга таълим ташкилотига ишга жойлашди. "Ёшлар дафтари"дан чиқарилди. Лекин давлатимиз бу йил ҳам ишсиз одамларга экин ерлари ажратганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Ерга меҳр қўйиб ишласангиз, рўзгорга катта нафи тегади. Пулнинг тежаллади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жаъфар Саидовнинг таъкидлашича, ҳудудда ишсиз, деҳқончиликка хоҳиш-истаги кучли 25 кишига аукцион орқали 7,5 гектар экин майдони ажратилди. Шу фуқаролар қаторида Зумрад Отаева ҳам бор.

— Ишсизман, — дейди у. — Йўлаб қарасак, турмуш ўртоғим ишлаб топган пулнинг салмоқли қисми бозор-учарга сарфланар экан. Қишлоқда яшаб туриб, бозордан помидор пиёзни сотиб олсанг, кишига оғир ботади, албатта. Қўлдан берганга қўш тўймас, деганлари шу

## ҚИШЛОҚКА КЕЛИН БЎЛИБ ТУШГАНМАН. АММО ТАҚДИРИМДАН МИНГДАН-МИНГ РОЗИМАН. ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ ЎРГАНИБ КАМ БЎЛАЁТГАНИМИЗ ЙЎҚ. СИЗГА ЁЎН, МЕНГА ЧИН, БИР КУН ДАЛАГА ЧИҚМАСАН ЁЎКИ ТОМОРҚАДА ИШЛАМАСАН, НИМАНИДИР ЙЎҚОТГАНДЕК БЎЛАМАН.

бўлса керак-да. Хуллас, маслаҳатлашиб, аукционда катнашиш фикрига келдим. Менга ўн йил муддатга 30 сотих ер берилди. Бу ерга помидор, ловия ва ошқовоқ экиш ҳаракатидаман. Деҳқончиликка қизиқшим бор. Бу ердан унумли фойдаланишга кўзим етади. Насиб этса, маҳсулотларимни бозорда сотиб, рўзгоримиз кам-қустини тўлдираман.

## Ҳар қаричи кўзга тўтиё

Когон тумани "Туноқчи" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидеги Элобод қишлоғида яшовчи эр-хотин Шароф Ашуров билан Зебо Исмаилова шу кунларда дала бошидан бери келмайдилар. Оила соҳибининг таъбири билан айтганда, бош қашшига фурсат йўқ. Сабаби оддий: ишсиз сифатида ижтимоий дафтарада қайд этилган бу оила аукцион орқали ер олди. Бу хонадоннинг ўзига хос бизнес лойиҳаси ҳатто туман раҳбарларини ҳам қизиқтириб қўйди.

— Аукционда голиблар қаторида эътибор этишди. Буни бизга билдирилган ишонч сифатида қабул қилдик, — дейди Шароф Ашуров. — Қолаверса, уйда ишсиз қолган эр-биродарларимиз ҳам қаватимизга киришди. Натижада бизга 20 сотихдан жами бир гектар экин майдони ажратилди. Тўрт ишчи ҳам ёлладик.

Шароф аканинг суяги деҳқончиликда қотган. Иш кўзини билади. Ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланади. Олдида аниқ мақсад қўйган. Аукционда олинган ернинг бир қисмига нок, шафтоли, бодом қўчати етиштиряпти. Ошқовоқ, қовун, тарвуз ҳам эккан. Ҳар бир метрга 20 туپ нок қаламчаси ўтказган. Улар келаси йил кузида тайёр бўлади. Бундай қўчатларнинг бозори чакқон. Ҳар бири 30 миң сўмдан баҳоланади. Биргина нок қўчатининг ўзидан 50 миллион сўм даромад олишни мўлжалламоқда. Ошқовоқнинг маҳаллий аҳоли тилида "қадича" деган нави бор. Ҳар палагида 40 тагача ҳосил

Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш орқали бозорлар тўкин-сочинлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар давом этмоқда. Ишсиз, ижтимоий дафтартларда рўйхатда турган фуқароларга аукцион орқали экин ерлари ажратилмоқда. Бу бандлик масаласини ҳал этиш, ёрдамга муҳтож оилалар турмуш фаровонлигини ошириш имконини берапти.

тугади. Томорқачилар ундан 20 миллион сўм фойда олишни кўзлаб туришибди.

— Бизда биргина нокнинг 12 нави бор, — дейди Шароф ака. — Агар сабзавот, полиз маҳсулотлари ва меванинг энг сараси дарагини эшитиб қолсам, уларнинг уруғи ёки данагини миңг чакирим олисдан бўлса ҳам олиб келаман. Утган йили шу тарзда меҳнат қилиб кам бўлганимиз йўқ. 100 миллион сўмга кўчат сотдик. Сабаботу полиздан ҳам яхшигина даромад қилдик.

— Шахарда туғилиб ўсдим, — дейди Зебо опа. — Қишлоққа келин бўлиб тушганман. Аммо тақдиримдан мингдан-миңг розиман. Деҳқончиликни ўрганиб кам бўлаётганимиз йўқ. Сизга ёлғон, менга чин, бир кун далага чиқмасам ёки томорқада ишламасам, ниманидир йўқотгандек бўламан.

Турмуш ўртоғининг энг яқин кўмакчисига айланган бу аёл дала ишлари, уй-рўзгор ташвиридан ортиб, ховлисида кичик паррандачилик фермаси ҳам ташкил этган. Бу ерда юз бошдан зиёд қурқа ва товук кўпайтирилмоқда.

— Меҳнатимиз самарасидан баҳраманд бўлиб яшаймиш, ҳаётимиздан розиман, — дейди Шароф ака. — Бир қизимиз бор. Турмушга узатганмиз. Сирасини айтганда, эр-хотин иккимизга кўп нарса керак эмас. Лекин давлатимиз раҳбарининг ўзи "Экин ерларидан самарали фойдаланишлар, бозорларимиз янада тўкин бўлсин", деб турганда, ҳукуматимиз деҳқончилик учун зарур шарт-шароитларни яратиб берган бир пайтда қандай қилиб ўзимизни панага олишимиз мумкин?!

Ҳалол меҳнатга етари йўқ. Бу оиланинг замонавий услубда қўрилган, яшаш учун қулай, кўрса ҳавас қилгулик уйи бор. Ховли олдида бир эмас, иккита "Дамас"

## Ялқовлик ортида ночорлик ётади

— Ердан унумли фойдаланишни Шароф акага қилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наим Холлиқов. — Кўргангиздек, қишлоқ ёшларини ҳам ёнига олиб, деҳқончилик сир-асорларини ўргатяпти. Биз бу оилани бошқаларга ибрат қилиб кўрсатяпти. Деҳқончиликдаги тажрибасини оммалаштириш ҳаракатидамыз. Ахир, халқимиз "Қарасанг боғман, қарамасанг доғ", деб бежиз-га айтмаган.

Маҳалла оқсоқолининг улар ҳақида тўхталishi бежиз эмас. Ҳудудда аукцион орқали ер олиб, тузукроқ даромад қилмаган, меҳнати зоё кетганлар ҳам учрайди. Масалан, "Ёшлар дафтари"да турган бир аёлга утган йили 10 сотих ер ажратилган эди. Бу йил эса у аукционда иштирок этмади. Сабаби шундаки, утган йили қовоқ пишиб етилар маҳал экин ерини сув босди. Ҳосил нобуд бўлди. Томорқачи аттанг, деб қолди.

— Маҳалламизда 3510 киши яшайди, — дейди туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази инспектори Шаҳноза Ражабова. — Жорий йилда ишсиз, экин майдонига муҳтож 88 фуқарога аукцион орқали 20 сотихдан ер берилди. Бу ерларда сабзавот ва полиз экинлари етиштирилмоқда.

Бу — фуқаролар учун катта имконият. Таъбир жоиз бўлса, давлат бу қишлоқ қўлига қўт-баракка қалитини тутмоқда. Улар Шароф Ашуровга ўхшаб ерга меҳр қўйиш ортидан бозорни тўкин этишга ҳисса қўшишда, рўзгорларини бут, турмушларини фаровон қилмоқда.

**Рустам ИБРОҚИМОВ,**  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — АМАЛДА

14 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲА ҚАЧОН ВА КИМ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Бугунги замонавий ривожланиш жараёнлари янгича ёндашувларни талаб қилмоқда. Шу боис, барча соҳага инновацион ғоялар жорий этилмоқда. Улардан бири давлат-хусусий шериклик тизими бўлиб, бу мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг энг самарали йўлидир.



Қайд этиш жоизки, халқаро тажриба мазкур тизим ўқиб муҳимдир, самарали ва икки томон учун ҳам фойдали эканини кўрсатмоқда. Бундай механизм асосан электр таъминоти, транспорт, йўл қурилиши, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, сув ҳўжалиги тармоқларида, таълим, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларидаги лойиҳаларни рўйга чиқаришда кенг қўлланилади. Кейинги йилларда мамлакатимизда бу тизим изчиллик билан ривожланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2018 йил 20 октябрдаги қарори билан Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. 2019 йил 10 май кўни Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан агентлик давлат-хусусий шериклик (ДХШ) соҳасида ягона сўб-сатни амалга оширувчи ваколатли орган этиб белгиланди. Шунингдек, қўнун билан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси, уни амалга ошириш талаблари, муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби жиҳатларнинг аниқ механизми белгиланди. Бу борада амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори Зокир БОЗОРОВ билан сўхбатлашдик.

— Айтишчи, ҳозирги кўнда давлат-хусусий шерикликда асосий эътибор қайси соҳаларга қаратилмоқда? Истиқболдаги режалар қандай?

— Қайд этиш жоизки, ўтган давр мобайнида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда умумий қиймати 2,68 миллиард доллардан ортиқ бўлган жами 289 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилди. Жумладан, сув ҳўжалиги — 105 та, экология — 62 та, таълим — 49 та, соғлиқни сақлаш — 32 та, маданият — 20 та, ҳўнармандчилик — 13 та, коммунал хизматлар — 3 та, энергетика, транспорт, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш, ахборот технологиялари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида 1 тадан лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар ташкил этилди.

Жумладан, ўтган йили Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Қўрақалпоғистоннинг Қўраўзак туманида қиймати 108 миллион долларлик шамоел электр станциясини қуриш, Франциянинг "Veolia" компанияси билан Тошкент шаҳрида қиймати 1,4 миллиард евро бўлган инновацион таъминоти тизимини модернизация қилиш ва бошқарилган Ҳиндистоннинг "Нефроллюс" компания-

техник хизмат кўрсатиш, Тошкент шаҳрида жойлашган мактабларда ўқувчилар давоматини электрон ҳисобга олишнинг марказлашган тизимини жорий этиш борисида ишлар олиб борилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Халқ таълими тизимидаги ўқувчиларнинг фан йўналиши ва ўз мутахассислигини билиш даражасини ҳамда малака тоифасини аниқлаш учун ДХШ асосида шаффоф тест синовларини ўтказиш учун замонавий тест марказларини ташкил этиш лойиҳаси ҳам соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, 7 та давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг тендер жараёни яқунланиб, ғолиблар билан битимлар расмийлантириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 9 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича тендер жараёнлари давом этаётганини айтиб ўтиш жоиз.

2022-2026 йиллар давомида таълим соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган 6 та йирик лойиҳа бўйича ҳужжатлар тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳалар бўйича Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки маслаҳат кўмаги билан умумтаълим мактабларини

бўйича битим тайёрланмоқда.

— Бугунги кўнда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш, маиший чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш борисида изчил ишлар юритилипти. Экология соҳасида ДХШ асосида қандай лойиҳалар амалга ошириляпти?

— Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 2 февраль кўни чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борисидаги долзарб вазифалар юзасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу йўналишда олдинда турган вазифалар белгилаб берилди.

Соҳага ўтган давр мобайнида умумий қиймати 103,2 миллион доллардан ортиқ бўлган жами 62 та ДХШ лойиҳаси устида иш олиб борилди. Жумладан 27 та қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматини йўлга қўйиш бўйича битимлар имзоланиб, ишлар бошлаб юборилди. Шунингдек, бу йўналишда Самарқанд вилоятида амалга ошириляётган 3 та



7 ТА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАСИНИНГ ТЕНДЕР ЖАРАЁНИ ЯҚУНЛАНИБ, ҒОЛИБЛАР БИЛАН БИТИМЛАР РАСМИЙЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУНДАН ТАШҚАРИ, 9 ТА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЖАРАЁНЛАРИ ДАВОМ ЭТАЁТГАНИНИ АЙТИБ ЎТИШ ЖОИЗ.

ичимлик сув таъминоти борисида юртимизда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, соҳада ҳали ўз ечимини тапмаган қўллаб муаммолар ҳам мавжуд. Коммунал хизматлар соҳасида қандай ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда?

— Албатта, коммунал хизматлар соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Соҳада ДХШ битимларини бажариш яхши самара бермоқда. Хусусан, Тошкент шаҳри, Андижон вилояти Бўстон тумани иссиқлик таъминоти тизимларини, Наманган шаҳар канализация тозалаш иншоотини модернизация қилиш ва бошқариш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Шунингдек, 2022-2026 йиллар давомида коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган 3 та лойиҳа бўйича ҳужжатлар тайёрлаш ва ўрганиш ишлари давом этапти.

— Соғлиқни сақлаш соҳасида бу борада қандай ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда?

— Муҳим соҳалардан бири бўлган соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам мазкур тизимни қўллаш яхши самара бераётганига тўғрив бўлиб турибмиз. Жумладан, ўтган давр мобайнида соҳада 32 та ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди ва қиймати 35,8 миллион АҚШ долларга тенг бўлган 29 та лойиҳа бўйича битим имзоланди. Шунингдек, умумий қиймати 7,6 миллион долларни ташкил этган 2 та ДХШ лойиҳаси бўйича тендер яқунланди, 1 та лойиҳа бўйича бу жараён давом этмоқда.

2022-2026 йилларда 3 та йирик лойиҳа амалга ошириляпти. Хусусан, Халқаро молия корпорациясининг маслаҳат кўмагида Фаргона, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида нури (Радио) терапия тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси концепцияси ишлаб чиқилиб,

тасдиқланди ва тендер ҳужжатлари тайёрланмоқда. Мазкур молия корпорацияси маслаҳат кўмагида Фаргона вилоятида кўп тармоқли шифохона ташкил этиш лойиҳаси бўйича Жаҳон банкининг "Институционал салоҳиятни ошириш" кредит линияси ҳисобидан юридик маслаҳатчилар жалб қилинмоқда.

Осиё тараққиёт банкининг маслаҳат кўмагида Андижон ва Бухоро вилоятларида поликлинника ва тиббиёт марказларини ташкил этиш лойиҳалари бўйича дастлабки ўрганиш ишлари давом этапти.

Транспорт, сув ҳўжалиги, маданият, ахборот технологиялари, ҳўнармандчилик, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасида ҳам ДХШ битимларини тузиш ва амалга ошириш борисида салмоқли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, сув ҳўжалиги соҳасида 105 та лойиҳа бўйича ДХШ битими имзоланган ва маданият соҳасида 20 та лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳўнармандчилик йўналишида биргина ўтган йили умумий қиймати 0,54 миллион АҚШ долларга тенг бўлган 13 та ДХШ битими имзолангани ҳам ушбу тизимнинг ҳаётимиздаги ёрқин ифодасидир.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 26-мақсадида мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш учун давлат-хусусий шериклик асосида соҳаларга 14 миллиард доллар инвестиция жалб этиш кўзда тутилган. Ҳўзир биз келтирилган рақамлар ва уларнинг шарҳи эса, ана шу мақсадларга эришиш учун етарли шарт-шароит ва асослар борлигини кўрсатади.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Лутфулла СУВОНОВ сўхбатлашди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

Азиза МУХСИЕВА, Тошкент давлат педагогика университети доценти, педагогика фанлари номзоди

ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИК ФУҚАРО Ватанга хиёнат қилмайди, бировнинг етовида юрмайди

Шу йилнинг 5 апрель кўни давлатимиз раҳбари раислигида мактаб таълиминини ислох этишга бағишланган видеоселектор йиғилишида фикри теран, дунёқарашни кенг, мустақил тафаккурли авлодни тарбиялаш, бу жараёнда умумтаълим муассасаларининг аҳамиятини ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда мактаб таълимининг ривожлантириш борисида кўтарилган масалалар бугуннинг долзарб муаммоларини қамраб олган. Сабаби, мамлакатимиздаги ислохотларнинг самараси айнан дунёқарашни кенг, мустақил нуктаи назарига эга, билимдон ва ахлоқли шахсларни тарбиялашга боғлиқ. Энг муҳими, Президентимизнинг мактаб таълимининг тараққиоти эътириш билан боғлиқ ғоя ва фикрлари дунё илмий жамоатчилигининг бугунги ғоялари билан бевосита уйғун. Зеро, ҳар қандай давлат ва жамиятнинг юксалтиришда сифатли таълимни қафолатлаш ва амалда таъминлаш, инсон капиталига алоҳида эътибор қаратиш ҳар томонлама ўзини оқлайди. Буни Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби мамлакатлар мисолида аққол кўриш мумкин. Улар айнан сифатли таълим ва инсон капиталига етарли эътибор қаратгани боис, нафақат танг вазиятдан чиқилиши удалади, балки дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан мустақкам ўрин эгаллади.

Ҳар қандай давлат ва жамият ривожланиши, учун куч-қувватни тарбиялаш, юксак ахлоқли, масъулятли, рустўй, иродали, меҳнатқаш, ватанпарвар ҳамда эркин фикрли, билимли, интеллектуал салоҳиятли фуқаролар, аниқроғи, ёшлардан олади. Янги Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Президентимиз мактаб таълимининг ривожлантириш фақат Халқ таълими вазирлигининг эмас, бутун жамиятнинг иши экани ва унга ҳамма

бирдек масъулигини кўнучаклик билан таъкидлагани бежиз эмас. Ушбу масала бўйича алоҳида комиссия тузилиб, унга давлат раҳбарининг ўзи раис бўлиши ёхуд жойларда ҳокимлар масъул этиб белгиланиши тақлиф этилганда ҳам катта мантис бор.

Мактаб таълимининг ривожлантириш нафақат моддий хусусиятга, балки истиқболли маънавий-маърифий характерга эга йирик ва салмоқли лойиҳадир. Чўнки ҳар қандай тараққиётнинг натижаси барбери айланиб келиб, инсоннинг давлат ва жамият олдиди хулқи, одоби, савоби, шўқри, нијати, садоқати, фидойилиги, ақл-фаросати, онгу тафаккури, билими, ижодий салоҳиятига тақалаверади. Бу педагогика фанида ижтимоий компетентлик, деб аталади. Бироқ мактаб таълимининг ривожлантириш жараёнида ўқувчиларнинг ижтимоий компетентлиги ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У жамият ривожининг барча босқичидаги сифатли таълим, самарали тарбия ва тўғри йўналтирилган ижтимоийлашув маҳсулидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг ғоялари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Чўнки мактаблар моддий-техник базасини талаб даражасига келтириш, уларга олий ўқув юртлирининг бириктирилгани, таълим жараёнига профессор-ўқитувчилар жалб этилиши, умумтаълим муассасалари муаллимларига илмий-устулубий ёрдам берилиши сифатли таълимнинг ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан самарали йўлга қўйилишига замин бўлади. Ҳўзир бу ғоя интенсив амалий ҳаракатга айланмоқда.

Агар ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишга қиришган дастлабки палласи сифатли ташкил этилиб, узлуқсизлик касб этмаса ёки болалар назарий ҳамда ҳаётий билим ва кўникмаларини эгалла олмаса, шахс сифатида етарлича эркин фикр юритолмайди. Табиийки, ижтимоий компетентлик даражаси ҳам паст бўлади.

Ривожланган мамлакатларда давлат ижтимоий компетентлик даражасининг яхлит жамият, ижтимоий гуруҳ миқёсида ва индивидуал тарзда юксалишидан нафақатдорлиги эътироф этилади.



Чўнки ижтимоий компетентлиги юксак шахс ёлғон гапирмайди, урнатилган тартиб ва қоидаларни бузмайди, маданиятсизлик ёки ахлоқсизликдан ўзини тияди, Ватанга хиёнат қилмайди, бефарқ бўлмайди, бировнинг етовида юрмайди. Табиийки, бундай фазилятлар шахсларда ёшлигидан, мактаб давридан бошлаб шакллантириб борилади. Шунинг учун ўқувчиларда ижтимоий компетентлиги юксалтириш ҳар томонлама ўзини оқлайди.

Янги Ўзбекистонда ҳам ана шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб мактаб таълимида ислохотларнинг кейинги босқичи бошланди. Сабаби, инсон қадри улуғланаётган мамлакат халқи амалга ошириляётган тўв ислохотларнинг кейинги давомчилари тимсолида ўз фарзандларини кўради. Бунга

ёшларни ҳар томонлама тайёрлашдан нафақатдорлигини эътироф этади.

Аслида мактаб таълимининг ривожлантириш ислохотларини бугундан бошланди, дейиш унчалик ҳам ўринли эмас. Бу йўналишдаги ишларга Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниб, ҳаётга таътиб этилиши билан қиришган эди, десак мантисан тўғри бўлади. Демак, мактаб таълимининг ривожлантиришнинг бугунги босқичини ислохотларнинг мантисий давоми ҳамда сифат босқичи деб эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Президентимиз ўқувчиларнинг ижтимоий компетентлигини оширишга қаратилган ушбу салмоқли умуммиллий сўй-ҳаракатлар нафақат педагогика соҳаси, балки ўз аҳамиятига кўра, давлат ва жамият бошқаруви билан чамбарчас боғлиқли-

гини алоҳида таъкидлади. Демак, шахснинг таълим-тарбиясига қаратилган бу заворли ислохотнинг натижаси кўйидагиларда намоён бўлиши билан аҳамиятлйдир.

Биринчидан, юртимиз мактабларининг моддий-техник базаси талаб даражасига келтирилиб, уларда мавжуд камчиликлар бартараб этилишига эришилади. Сифатли таълим ва таъсирчан тарбияни амалга оширишга кенг имконият яратилади.

Иккинчидан, мактаблардаги ўқув-устулубий ишлар соҳанинг етук мутахассислари ва олимлар томонидан мониторинг қилиниб, замон талаблари даражасида бугунги инновацион воситалар асосида ўтилади. Дарсларда ўқувчиларнинг иштирокига кўпроқ эътибор қаратиб, турли қизиқарли педагогик усуллардан фойдаланиш учун ўқитувчиларда тегишли кўникма ва тажриба шакллантирилади ҳамда доимий назорат механизми йўлга қўйилади.

Учинчидан, умумий ўрта таълим мактабларида таълим ва тарбиянинг уйғунлигига эътибор қаратилиб, бу жараёнда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ўз фикрини мантисан асослаш кўникмасини назарда тутувчи замонавий, таъсирчан воситалар асосида амалга ошириш тизими яратилади.

Тўртинчидан, барча мактабларда ўқитувчилар, мутахассисларнинг соҳага тегишли меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушуниш ва улардан ўз фаолиятида тўлақонли фойдалана олиш кўникмаси шакллантирилади.

Бешинчидан, мактаблардаги барча раҳбар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ўз фаолиятига юзак қарашига йўл қўйилмайди. Аксинча, "мен — таълим-тарбия соҳаси вакилиман ва ёш авлод келажигига масъулман", деган ғояни қалбига синдириб, фидойилик билан фаолият юритадиган педагоглар қўллаб-қувватланади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон том маънода кадр топиб, нафақатлари устувор аҳамият касб этаётган ва бу янгиликлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этиляётган Янги Ўзбекистонда билимли, ахлоқли, маданиятли, юксак ижтимоий компетентлиги инсонларни тарбиялаш ҳаёт-мамат масаласидир. Мактаб таълимининг ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга сафарбар этилган ҳар бир ўзбекистонлик давлат, халқ ва масъул шахслар билдирган ишончи оқлаши лозим. Бугун дунёга ҳайрат кўзи билан боқаятган болаларимиз эртага бизнинг ўрнимизга келадиган мутахассислар бўлишини унутмайлик. Зеро, фарзандларимизга хиёнат Ватанга, миллатга хиёнат билан баробар.

## Кўнгилга нур индиргувчи ҳикматлар

### Ёхуд “Рабиъ ал-аброр” кенгроқ тадқиқ этилиши зарур

Янги Ўзбекистонда ижтимоий қарашлари ва бебаҳо илмий ва маънавий мероси билан жаҳон цивилизациясига муносиб улуш қўшган улуг алломаларимиз асарларини ўрганиш, тадқиқ ҳамда тарғиб қилиш ишига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йил 10 февраль куни Президентимизнинг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланиши бу амалий ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.



**Лазиз Тўраев,**  
Тошкент давлат  
шарқшunoslik  
университети бўлим  
бошлиғи

Амалга оширилаётган салмоқли ишлар натижасида мамлакатимиз шарқшunosлигида янги “замахшарий-шunoslik” йўналиши ҳам буй кўрсатди. Бу йўналишда Махмуд Замахшарий илмий меросига оид бир қатор илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда кўпроқ аломанинг тилшunosлик, адабиётшunosлик ва луғатшunosликка оид асарлар тадқиқ этилмоқда. Бирок Махмуд Замахшарийнинг тарихий, ижтимоий, фикрий, диний, фалсафий масалаларга оид бир қанча асарлари ҳам мавжудки, уларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсири кучайиб бора-

муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда исломдан олдинги, илк ислом ва ўрта асрлардаги ижтимоий, маънавий, диний муҳит ҳақида маълумотлар берилган. Маълумотлар араб, форс, ҳинд ва юнон минтақалари ва уларнинг аҳолиси, шунингдек, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳақида эканлиги эътиборга молик. Асарда берилган мавзулар нафақат ўзи яратилган давр учун муҳим бўлган, қолаверса, бу мавзулар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Мавзу жиҳатдан ҳам кенг қамровли ва турли-туман.

Ахнаф айтадилар: “Жаҳлни босишга сарфланган куч интиком олиш учун сарфланган кучдан афзалроқдир. Жаҳлни босишга қилинган сабр эркаклик саналади. Кимда ким бир сўзга сабр этмаса бир неча сўзлар эшитилади”. Гален (Жолинос) Афина халқига ўз ўғлига илм ўргатмаган отага ўғли учун оталик ҳақи йўқ деб айтди. Бу каби ҳикматли сўзларни ўқиган инсон кўнглига нур инъад, ўз йўлини эзгулик сари буради.

“Рабиъ ал-аброр”нинг катта қисмини инсоннинг камолоти учун зарур бўлган фазилатлар тўғрисидаги мавзулар ташкил қилади. Махмуд Замахшарий асарда ўз даврининг ижтимоий муҳитидан келиб чиққан ҳолда, жамият ривожини ўрнинли деб ҳисоблаган, кишилар эҳтиёж сезадиган ва ўша замон зиллиси билиши керак бўлган кўпгаб воқеликлардан унумли фойдаланган. Асарда келтирилган ибратли сўзларда муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, илм ва илмсизлик, ғамташвиш, вафо ва хиёнат, ростгўйлик ва ёлгончилик, адолат, виждон, бурч, ор-номус, кадр-қиммат, ҳаёт маъноси, бахт, омад каби кўпгаб ахлоқий тушун-



ётган бир пайтда кенг китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш, улар тўғрисида илмий ва оммабоп рисолалар, монографиялар нашр қилиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Ўзбекистон шарқшunosлигида ҳали ўрганилмаган, илмий тадқиқотларга тортилмаган асарлардаги ижтимоий, тарихий, фалсафий, диний мавзуларнинг муҳим эканлигини англаган ҳолда, уларни ўрганиш катта аҳамият касб этади. Мана шундай асарлардан бири “Рабиъ ал-аброр”дир.

Махмуд Замахшарий 1134 йилда ўзининг машҳур “Ал-Кашшоф” номи асарини ёзиб тугаллади. Сўнгра китобхонларнинг дилларига ором бериш ва уларга яхши суҳбатдош бўлиш мақсадида бир асар ёзишни ният қилади ҳамда бу ниятини “Рабиъ ал-аброр”ни тасниф этиш орқали амалга оширади.

“Рабиъ ал-аброр” 98 бобдан иборат энциклопедик асар ҳисобланади. Унда жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий, таълим-тарбиявий, ҳуқуқий, тиббий, табиий масалаларга оид кўпгаб маълумотлар йиғилган. Муаллиф бутун ҳаёти давомида кўрган, билган, эшитган ва ўқиган воқеликлари ва мулоҳазаларини жамлаб, бир асар кўринишига олиб келади. Унинг

чалар ўз аксини топади. Бу тушунчаларнинг барчаси инсон маънавий оламига ижобий таъсир этади.

Асардан келтирилган турли мавзудаги мулоҳазалар китобхонни билимли, илм соҳибларига яхши муносабатда бўлишга, ҳақгўйликка, омонатга хиёнат қилмасликка, ҳалолликка, хайр-саховатга, оқилликка, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлишга ундайди. Асар шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда ўрганилиши лозим бўлган муҳим манба ҳисобланади.

Бизнингча, Махмуд Замахшарий таваллудининг 950 йиллик юбилей санасини тантанали нишонлашга қаратилган чора-тадбирларни, илмий ва таълимий масалаларни ҳозирдан бошлаш лозим. Бу борада алломанинг бугунга қадар маълум бўлган 80 дан ортиқ асарларининг Ўзбекистон ва хорижда сақланаётган қўлёзма нусхаларини аниқлаш ҳамда улар устида тарихий, адабий, фалсафий ва ислом манбашunosлиги йўналишларида илмий тадқиқотлар ҳамда изланишлар олиб борилиши зарур. Зеро, буюк аждодларимизнинг маърифий мероси замирида бугунги авлод қалбига куч берувчи маънавий тарбия зиёси бор.

### “Абу Айюб Ансорий” масжидида мавъиза

Йиғилишдан кейин дин пешволари ва иштирокчилар Истанбул шаҳри марказида жойлашган “Айюб Султон” мажмуасига ташриф буюрди.

Дастлаб анжуман иштирокчилари мазкур мажмуада жойлашган Абу Айюб Ансорий макбараси зиёратига Куръон тиловат қилиб, дуога қўл очди. Мажмуада ўқилган шом намозида Ўзбекистон вакили муфтий Нуриддин домла Холиқназаров барча муфтийлар ва меҳмонларга имомлик қилди.

Ифторликдан сўнг Туркий давлатларнинг дин пешволари хуфтон ва тарових намозларини адо этиш учун “Абу Айюб Ансорий” масжидига такрор ташриф буюришди. Туркия диёнат ишлари бошқармаси раиси Али Эрбаш хуфтон ва тарових намозларини ўқиб берди. Шундан сўнг ушбу мухташам ва табаррук масжидда йиғилган ўн минглаб намозхонларга

лаётган бир пайтда ислом уламоларининг ҳамжиҳатлиги ва мусулмон умматининг бирлигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётгани, шу маънода, ушбу тарихий йиғилишнинг амалий аҳамияти жуда юқори эканини қайд этди.

Анжуманда сўзга чиққан Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган шиддатли жараёнлар, турли таҳдид ва хатарлар, пандемия синовлари ва турли муаммолар ташкилотга аъзо давлатлар олдига янги долзарб вазифаларни қўяётганини таъкидлади.

Учрашув давомида Туркий давлатлар ташкилоти директори Бағдод Амреев Озарбайжон мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом Оллоҳшукур Пошшохова, Қозғистон мусулмонлари идораси раиси Наврўзбай Тағанули ўз маърузалари билан иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**“Учрашув давомида туркий давлатлар ташкилоти директори Бағдод Амреев Озарбайжон мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом Оллоҳшукур Пошшохова, Қозғистон мусулмонлари идораси раиси Наврўзбай Тағанули ўз маърузалари билан иштирок этди.”**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Рамазон оиди фазилатлари ҳақида мавъиза қилди.

Шуқуҳли, дуолар ижобат бўладиган фурсатларда дин пешволари намозларида юртимиз ҳақида дуолар қилиб, мусулмонларнинг бирдамлиги янада мустаҳкам бўлишини Аллоҳ таолодан сўрадилар.

### Юртимизни илм машҳури замон қилган

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Туркия диёнат ишлари бошқармаси раиси ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётгани, айниқса, диний-маърифий жабҳадаги алоқалар изчил ривожланиб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқ ришталари янада мустаҳкамланаётгани, бундай дадил одимлаш икки давлат раҳбарининг оқилона сиёсати тўғрисида янги босқичга кўтарилгани алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, икки томонлама ҳамкорлиги янада кенгайтириш, айниқса, илмий-маърифий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, уламолар меросини тадқиқ этиш бўйича фикр алмашиш, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Умуман, муфтий Н.Холиқназаров бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Туркия сафари йиғилиш иштирокчилари томонидан юқори баҳолаш ҳамда Ўзбекистон макорамаси ва хос эҳтиром кўрсатилди.

Юртимизни илм машҳури замон қилган. Илм тўғрисида икки илмий Ренессанснинг дунёга тақдим этган. Ҳозирда учинчи Ренессансга пойдевор қўяётган янги Ўзбекистон аини илмий тараққиёти, ҳаётини ислохотлари билан дунёга буй чўзмоқда. Айтиш мумкинки, мазкур анжуман юртимизнинг халқро майдондаги эътирофида яна бир янги саҳифа бўлди.

### Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# БИРДАМЛИК ВА ЭЪТИРОФНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очик ва прагматик ташқи сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари тўғрисида Ўзбекистоннинг дўстлари, хайрихоҳлари халқро майдонда тобора кўпайиб бормоқда. Қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мутлақо янги — соғлом сиёсий ва тенг шериклик асосидаги иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Халқро ҳамкорлигининг янги йўналишлари, янги механизмлари жорий этилмоқда. Туркий Давлатлар Ташкилоти ана шундай янги мулоқот майдонларидан бирига айланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туркий халқлар ўртасидаги яқинлик нафақат муштарак маданият, тил, дин ва ўхшаш қадриятлар, балки қадимдан савдо алоқалари йўлга қўйилиб, ўзаро борди-келди, ҳамкорлик қилиб келингани билан ҳам изоҳланади. Бу ришталар собиқ иттифоқ даврида узилиб қолган, чекланган бўлса-да, аммо мустақиллик йилларига келиб қон-қардошлик туйғуси яна эски тарихий ўзанини топиб, туркий мамлакатларда миллий ўзлигини англашга эътибор кучайди, кўп асрли анъаналар, азалий қадриятлар тикланди, ўзаро алоқалар фаоллашиб, ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Жорий йил 14-17 апрель кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров бошчилигида мамлакатимиз делегациясининг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар диний идоралари раҳбарларининг I йиғилишида иштирок этгани ҳам мазкур ҳамкорлигининг ижобий самарасидир.

### “Аё София” мажмуасига ташриф

Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизматининг хабар беришича, делегациянинг Туркияга сафари самарали кечди. Ташриф муфтий Н.Холиқназаров ва Туркий давлатлар диний идоралари раҳбарлари томо-

“Аё София Фотиҳ” мадрасаси тим-солида тарих саҳифаларидан ўчиб кетаётган бир обидамизни қайта тикладик. У 86 йилдан сўнг яна қайта иш бошлади. Қадрли дўстлар, бу ер Истанбулнинг фатҳи сирасида, “Аё София”нинг бунёд этилишида шаҳарнинг биринчи мадрасаси сифатида ишга туширилган эди. Биринчи мударрис Мулла Хусрав бўлган бу даргоҳда мовароуннаҳрлик Али Кушчи ҳам толиби илмларга дарс берган.

Сўнг Президент ва Туркий давлатларнинг дин пешволари мадрасанинг рамзий лентасини қирқиб беришди. Маросимда иштирокчилар мадраса биноси ва фаолияти билан танишди. Мадраса икки қаватли бўлиб, 34 та хона, 7 та амалиёт ва илмий марказлар ҳамда 30 та бўлимдан иборат.



**“Жорий йил 14-17 апрель кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров бошчилигида мамлакатимиз делегациясининг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар диний идоралари раҳбарларининг I йиғилишида иштирок этгани ҳам мазкур ҳамкорлигининг ижобий самарасидир.”**

### Диний-маърифий ислохотлар баёни ва муҳим таклифлар

Шу куннинг иккинчи ярмида “Умум-жаҳон пандемияси, иқтисодий инқироз ва рақамли дунёда Туркий-Ислом оламининг эртаси ва диний ташкилотлар” мавзусида Туркий давлатлар диний идоралари раҳбарларининг I йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим, Туркий давлатлар ташкилоти директори Бағдод Амреев ҳамда Туркия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозғистон муфтийлари ва Қирғизистон Дин ишлари бўйича давлат комиссияси вакили, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти мутахассислари, уламолар, давлат ва жамоат арбоблари, зиёлилар, исломшunos, диншunos олимлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишни Туркия диёнат ишлари бошқармаси раиси Али Эрбаш кириш сўзи билан очиб, бугун туркий халқлар турли муаммоларга дуч ке-

Н.Холиқназаров бугун мусулмон олами олдига турган долзарб масалалар юзасидан қарашларини билдирди. Ўз фикрини мўмин-мусулмонлар иттифоқлиги бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканини илоҳий манбалар ва ҳаётини мисоллар орқали изоҳлади. Ўз навбатида, мана шундай мураккаб замонда Ўзбекистон Президенти томонидан амалга оширилаётган диний-маърифий ислохотларни баён қилди. Бундай оламшумул ишлар нуфузли тадбир иштирокчилари томонидан юқори қайғиёнда кутиб олинди.

Туркий давлатлар ташкилоти директори ўринбосари Мирвоҳид Азизов жорий йил ноябрь ойида ташкилотга раислик қилиш Ўзбекистонга ўтиши нуктаи назаридан юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий аҳамияти жуда юқори эканини таъкидлади.

Йиғилиш доирасида Н.Холиқназаров Туркий давлатлар ташкилоти директори Бағдод Амреев билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, келгусида амалга ошириши лозим бўлган вазифалар ва мўмин-мусулмонлар бирдамлигини янада мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашдилар.

Б.Амреев Ўзбекистонга ташрифи чоғида улкан ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлгани, диний-маърифий, ижтимоий-иқтисодий йўналишларда олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ эканини таъкидлади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧК масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 1228.  
85049 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧК босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржонов  
Мусаҳҳис: Шерзод Махмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй